

Термиз туманида 16 та оиласынан янги уй-жойлар калити топширилди



Давлатимиз Раҳбари томонидан аҳолини уй-жой билан таъминлаш, айниқса аёлларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва уларнинг баҳтли ҳаёт кечиришларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бугунги кунда хотин-қизлар билан ишлаш давлат сиёсати дарадажасига кўтарилиди.

Термиз тумани “Учқизил” маҳалласида 16 та оила 1935 йилда таҳтадан қурилган, ҳозирги кунда яроқсиз ҳолга келиб қолган 2 та кўп қаватли уйда яшаб келишаётган эди. Вилоят ва туман ҳокимлиги ташабbusи билан ушбу оиласарнинг яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда намунали уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 16 та оила “Аёллар дафтари”га киритилиб, вилоят ҳокими ва ҳомийлик кўрсатган 3 та қурилиш корхоналари кўмагида 16 та оиласынан намунавий лойиҳа асосида 2 сотихли якка тартибдаги уй-жойлар қурилди.

Бугун ушбу уй-жойларни ўз эгаларига тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда туман ҳокимининг ўринбосарлари, З-Сектор штаби вакиллари, маҳалла фаоллари ва нуронийлар иштирок этишиб, 16 та оиласынан 16 та хонадон калитлари тантанали топширилди.

Эски, шарт-шароитлари йўқ, авария ҳолатида бўлган кўп қаватли уйда яшаб келаётган эдик. Мана Мұхтарам Президентимизнинг хотин-қизларга қаратадиган эътибори сабаб биз ҳам намунали уй-жойга эга ўтдик. Бу йил бизнинг оила учун қўшалоқ байрам, яқинда эгизак фарзандли бўлган эдик, мана бугун эса янги уй-жой калитларини қабул қилиб олдик. Энди эгизак фарзандларимни барча шарт-шароитларга эга шинам уйда вояга етказаман – дейди янги уй-жойга кўчиб ўтганидан хурсанд бўлган Феруза Аллақурова.

Тадбирда, шунингдек, туман маданият бўлими санъаткорлари ҳам иштирок этишиб, ўзларининг куй-қўшиқлари билан янги уй-жой эгаси бўлган оиласар хурсандчилигини ўйин-кулгуларга улашди.